




**ADOBE  
ПЛАНИРУЕТ  
СДЕЛАТЬ  
PHOTOSHOP  
БЕСПЛАТНЫМ**

5-бет.



**ТИКТОКНИНГ  
МАҚСАДИ  
НИМА?**

6-бет.



**ФОЖИАНИНГ  
ИЛДИЗИ  
ОИЛАДА.**

8-бет.



[ict.xabar.uz](http://ict.xabar.uz)

Gazeta 1992-yil martdan chiqa boshlagan

# Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN,  
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

**25** (1551)-son  
24-iyun  
**2022**

[@xabaruzofficial](https://twitter.com/xabaruzofficial)  
[facebook.com/xabar.uz/](https://facebook.com/xabar.uz/)  
[@xabaruzofficial](https://www.instagram.com/xabaruzofficial)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

[www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)



## ЎЗБЕКИСТОНДА ТўЛАҚОНЛИ IT УНИВЕРСИТЕТ ОЧИЛДИ

Пойтахтдаги Hilton меҳмонхонасида 22 июн куни PDP University очилиш маросими бўлиб ўтди. PDP University IT мутахассислар учун фойдасиз фанлардан воз кечиб фақатгина керакли фанларни ўз ичига олган халқаро Pearson BTSC уқув дастури бўлиб, мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги мутасаддилари, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий OTM ректорлари, ўзбекистонлик ўқитувчи ва репетиторлар ҳамда ОАВ вакиллари бирлаштирди.

Маросим давомида асосчилар PDP Universityнинг афзалликлари, талаблар, келажакдаги режалар ва ушбу лойиҳа Ўзбекистонда IT соҳасида мутахассисларни шакллантиришнинг янги босқичи бўлиши ҳақида сўзлаб ўтишди.

2021 йил тадбиркорлар билан бўлиб ўтган учрашувда давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев PDP Academy ва академия асосчиси Одилбек Мирзаевни қўллаб-қувватлашни ва вазирликлар орқали ёрдам берилишини билдирган эди.

## Ўзбекистон-АҚШ: АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



АЙНИ КУНЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI DELEGATSIYASI AMERIKA QUSHMA SHTATLARIDA BULIB TURIBDI. TASHRIFDAN ASOSIY MAQSAD - AMERIKA VA ЎЗБЕКИСТОН ЎRTASIDA ЎZARO MANFAATLI ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШДАН ИБОРАТ.

» 3

## ЭНГ ОММАЛАШГАН БРАУЗЕРЛАР

(2022 йил 13 июн,  
луши фоизларда)

1. Chrome – 67,1 фоиз
2. Edge – 10,4 фоиз
3. Safari – 9,0 фоиз
4. Firefox – 7,8 фоиз
5. Opera – 3,0 фоиз
6. Internet Explorer – 0,8 фоиз



Манба: StatCounter

## Киберхавфсизлик

# 5 ҚАДАМ

Хавфсизлик мутахассислари ва хакерлар ўртасидаги кўринмас жангда ким ғолиб бўлади?



Бугун замонавий технологиялар тез суръатда ривожланиб бораётган бир пайтда маълумотлар алмашинувининг ҳажми ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Улар ҳимоясини таъминлаш бўйича чора кўриш ҳам, ҳозирги таҳликали замонда, мураккаб вазифага айланган.

Фойдаланувчилар маълумотларининг четга чиқиб кетиши, бузилган иловалар ва серверларга уюштирилган муваффақиятли ҳужумлар ҳақида кўплаб эшитганмиз. Ушбу ҳужумлар қандай амалга оширилади ва улардан қандай ҳимояланиш мумкин? Нима сабабдан бу ҳолат юз беради, нега баъзи компанияларга доим ҳужум уюштирилади, баъзиларда эса бу борада муаммо бўлмайди? Келинг, мақоламиз давомида хакерлар қандай тамойиллар асосида ишлашларини ва улардан қандай ҳимояланиш мумкинлигини кўриб чиқамиз.

» 4



Жумадан  
жумагача

Президент Шавкат Мирзиёев 17 июни Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолияти билан танишди. Президентимизнинг Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташрифи чоғида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 июн куни Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашди. Учрашувда Президентимиз сўзга чиқиб, янгиланаётган Конституцияга киритиш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев жорий йил 21-22 июн кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди. Президентларнинг мулоқоти жуда самарали кечди. Икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида декларация ҳамда кўплаб бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Жорий йилнинг 23 июн куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов Аргентина Республикасининг мамлакатимиздаги фавкулдда ва муҳтор элчиси этиб тайинланган (қароргоҳи Москва шаҳрида) Эдуардо Антонио Зуайинни қабул қилди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Аргентина ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбаева бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеш Раисининг таклифига биноан “Парламент дипломатияси – ишонч ва ҳамкорлик асосидир” мавзусида жорий йилнинг 23-24 июн кунлари Қирғизистон Республикасининг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий тили мамлакатлар (ТуркПА) Парламент ассамблеясининг XI ялпи мажлисида иштирок этади.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Қўл жанги спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлар эълон қилинди.

# АКТ ВАЗИРЛИГИ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНДИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ, АХБОРОТ СИЁСАТИ ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ ҚўМИТАСИНING 2022 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ИШ РЕЖАСИГА МУВОФИҚ ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРNING МУРОЖААТЛАРИДА КўТАРИЛГАН МАСАЛАЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАНЛИГИ БўЙИЧА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ ҲИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ.

Эшитувда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш энг устувор масалалардан бири бўлиб, вазирлик Ҳайъати йиғилишларида мунтазам равишда муҳокама қилиб борилаётганлиги ва бунинг натижасида 2022 йилнинг беш ойи давомида вазирликка келиб тушган мурожаатлар қанчалартириш даражаси (82 фоиз) ошганлиги, мурожаатлар билан ишлаш жараёни тўлиқ электрон ҳужжат алмашиш тизими орқали амалга оширилаётганлиги, ўтган йилнинг мос даврига

нисбатан мурожаатлар сони 361тага, яъни 7,4 фоизга камайганлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириқлари ижроси доирасида вазир ҳамда вазир ўринбосарлари томонидан Андижон, Сурхондарё, Катталарё, Самарқанд, Наманган вилоятлари ва Топкент шаҳрида жами олти маротаба сайёр қабуллар ташкил этилганлиги, уларда 800га яқин фуқаролар иштирок этиб, уларнинг аксарият мурожаат-

лари жойида ижобий ҳал қилинганлиги, ўрганиш учун қўшимча вақт талаб қиладиган 38та мурожаатнинг кўриб чиқилиши назоратга олинганлиги айтилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари алоқа соҳаси йўналиши бўйича вазирликка юборган мурожаатларининг аксарияти ижобий ҳал этилганлиги, назорат муддатлари бузилмаганлиги, ушбу йўналишда ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар қониқарли даражада эканлигини таъкидлашди.

## Халқаро форум

### ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ГРУЗИЯДА БўЛИШДИ

Жорий йилнинг 20-21 июн кунлари Грузия пойтахти Тбилисида “Рақамли ҳукумат соҳасида ҳамкорлик ва салоҳиятни ривожлантириш” мавзусида халқаро форум бўлиб ўтди. Тадбирда Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази директори Азиз Мухитдинов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.

Мазкур форум Қозоғистондаги БМТ Тараққиёт Дастури, Корея Республикаси Ички ишлар ва хавфсизлик вазирлиги (MOIS) ва Миллий ахборот жамияти агентлиги (NIA) томонидан Остана давлат хизмати хабининг билим ва тажриба алмашиш платформаси салоҳиятидан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган ҳамкорликдаги худудий лойиҳаси доирасида ташкил этилди.

Худудий лойиҳа мақсади – Марказий Осиё (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон) ва Кавказ давлатлари (Арманистон, Озарбайжон ва Грузия)да давлат бошқаруви ва рақамли давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида давлат хизматчиларининг билим ва салоҳиятини ошириш орқали аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга ҳисса қўшишдан иборат. Лойиҳа уч йилга мўлжалланган бўлиб (2021-2023), унинг доирасида тадқиқотлар, конференциялар, форумлар, ўқув семинарлари ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши кўзда тутилган.

Тбилисидаги тадбирда Корея ва Грузия рақамли ҳукуматларининг илгор тажрибалари тақдим этилди ҳамда худудий лойиҳа иштирокчи давлатларининг рақамлаштиришга доир ёндашувлари бўйича тажриба алмашилди.

## Ҳамкорлик



### UZINFOCOM VA INFOCOM МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАДИ

Қирғизистон Республикасида UZINFOCOM Ягона интегратори ва Қирғизистон Республикаси Рақамли ривожланиш вазирлиги ҳузурдаги Infocom давлат корхонаси ўртасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Ишчи ташриф доирасида UZINFOCOM Ягона интегратори томонидан Ўзбекистон Республикаси худудидида фаолият юритаётган лойиҳалар тақдими ўтказилди.

Шунингдек, ишчи гуруҳ Давлат хизматлари марказига ташриф буюрди ҳамда Infocom ДК фаолияти билан танишди.

Меморандум – устувор йўналишлар идентификация тизимлари ва булутли ечимлар фаолияти бўйича тажриба алмашишдан иборат.

# Ўзбекистон-АҚШ: АКТ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматовнинг АҚШга ташрифи 20 июн куни Нью-Йорк шаҳрида ЕРАМ Systems компанияси асосчиси, президенти ва директорлар кенгаши раиси Аркадий Добкин билан учрашувдан бошланди.

ЕРАМ Systems компанияси офисда бўлиб ўтган учрашувда томонлар Ўзбекистонда малакали IT-кадрлар тайёрлаш ва истеъодларни ривожлантириш, шунингдек, IT соҳасида янги иш ўринларини яратиш, Ўзбекистонни Минтақавий IT-марказга айлантириш бўйича ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди.

Учрашув доирасида Аркадий Добкин IT-компаниялар учун мамлакатимизда яратилган шароитларни алоҳида эътироф этди. Шу билан бирга, у нима учун айнан Ўзбекистон компания раҳбарияти томонидан релокация учун танлангани, мамлакатимизда IT-компаниялар ва IT-мутахассислар учун яратилган имкониятлар ҳамда соҳага бўлган эътиборни инobatта олиб, ушбу релокацияни қисқа вақтларда амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлади.

А.Добкин Ўзбекистон яқин келажакда IT йўналишида нафақат Марказий Осиёдаги, балки бутун минтақадаги йирик IT-хаб бўлишига ишонини таъкидлади. Ўз навбатида, АКТ вазири Ш.Шерматов томонидан ЕРАМ Systems компаниясини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрлигини билдирди.

АКТ вазири хорижий мутахассисларнинг Ўзбекистонда фаолият олиб бориши қулай бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинишини алоҳида таъкидлади.

Аркадий Добкин, шунингдек, яқин бир неча йил ичида Ўзбекистонда ЕРАМ тизимларини кенг миқёсда ривожлантириш ниятида эканлигини таъкидлади. Унга қўра, айрим мамлакатларда компаниянинг тўлиқ ривожланиши учун ўн йил сарфланган, Ўзбекистонда эса бу 3-5 йил ичида содир бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, томонлар Ўзбекистонда ҳар йили ўтказиладиган ЕРАМ Global конференциясини ташкил этиш, унинг доирасида ЕРАМ Systems компаниясининг етакчи мутахассислари учун Ўзбекистонда ишлаш учун шароит ва имкониятлар билан танишиш мақсадида IT-тур ўтказилишига тўхтадилар.

Натижада икки томон ҳам юқо-

ридаги барча лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олдилар.

Шу куни Нью-Йоркда АКТ вазири Шерзод Шерматов ва Reface and Roosh Ventures Investment Fund раҳбари Сергей Токарев ўртасида ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда ахборот технологиялари ва тиббиёт соҳасидаги лойиҳалар муҳокама қилинди.

Ш.Шерматов Ўзбекистон жаҳоннинг қатор рейтингларида юқори поғонадаги ўринлардан жой олаётгани ҳамда келажакда юртимизни минтақавий йирик IT-хабга айлантириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Шунингдек, учрашувда Ўзбекистонда IT-компаниялар учун қандай қулай ишбилармонлик муҳити яратилаётгани ва жорий йилнинг октябр ойида бўлиб ўтадиган АКТ ҳафталиги ҳақида гапириб берилди ҳамда компания вакиллари ушбу ҳафталикда иштирок этишлари учун таклиф этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Шерматовнинг АҚШга ташрифи 21 июн куни Вашингтон шаҳрида давом этди. Бу ерда Америка-Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вакиллари билан учрашди.

Учрашув аввалида АКТ вазири Ўзбекистонда ахборот технологиялари ва рақамлаштириш соҳасига катта эътибор қаратилаётганини, шунингдек, IT соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва яратилаётган имкониятлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Томонлар Ўзбекистон-Америка кўп қиррали ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини, савдо-саноат палатаси икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантиришда, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнашини таъкидлади.

Шу билан бирга, Америка-Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Жумладан, қонунчиликка оид, банк орқали ҳисоб-китоб қилиш масалалари, Ўзбекистондаги таълим, хусусан, IT соҳасидаги таълим масалалари, ёш кадрлар ва қўшимча масалалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

Шу куни Шерзод Шерматов АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID)нинг Осиё Бюроси Администратори ассистенти ўринбосари

Анжали Каур ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги фақуллода ва мухтор элчиси Ж.Ваҳобов ҳам иштирок этди.

Учрашувда Америка грантлари ҳисобидан English Speaking & IT-nation қўшма дастурини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт доирасида ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш, Ўзбекистонда кенг полосали алоқани кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди.

Мулоқод давомида компания ишлари охирида, соҳага инвестицияларни жалб қилиш, янги телекоммуникация технологиялари ва хизматларини жорий этиш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматовнинг VISA компаниясига ташрифи ҳам мазмунли кечди.

Ташриф давомида VISA компанияси вакиллари билан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ва унинг салоҳиятини ошириш, шунингдек, потенциал ҳамкорлик платформасини яратиш, шу жумладан, онлайн тўловлар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, АКТ вазири делегацияси VISA маълумотлар марказида ҳам бўлишиб, унинг фаолияти билан танишди. Меҳмонларга марказ ҳақида батафсил маълумотлар берилиб, тақдирим ўтказилди.

Учрашувда Ўзбекистонда АКТ соҳасини ривожлантириш, рақамлаштириш ва технологияларни амалга оширишда ҳамкорлик қилиш мақсадида АКТ вазири ва VISA компанияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

АКТ вазири делегацияси АҚШга ташрифи доирасида Жаҳон Банкининг Рақамли ривожланиш котибияти директори Кристин Женвей Кианг билан учрашув ўтказди.

Ушбу учрашувда ҳукуматнинг "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегиясини амалга оширишни кенг ва узок муддатли қўллаб-қувватлаш бўйича "Рақамли Ўзбекистон" кўп босқичли инвестиция операцияси "соёбон" шаклидаги Дастурнинг амалга оширилиш масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, "2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни

ривожлантириш стратегияси" доирасида рақамлаштириш бўйича белгилаб берилган вазифалар масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, "Ўзбекистонда рақамли инклюзивлик" деб номланган кичик мақсадли инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш лойиҳасини ўз ичига олган ушбу асоснинг биринчи босқичини амалга оширишда Ўзбекистон учун Жаҳон Банкининг Халқаро ривожланиш ассоциациясидан маблағ ажратиш бўйича ҳам фикр ва мулоҳазалар алмашилди.

Шерзод Шерматов ҳамда АҚШ Евросиё ва Марказий Осиёга ердан кординатори ўринбосари Грег Нарден ўртасидаги учрашувда турли соҳаларда, жумладан, АКТ соҳасидаги Ўзбекистон-АҚШ муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди. Минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги лойиҳаларни амалга оширишда Американинг бизнес вакиллари жалб қилиш ҳамда қўшма дастур ва ташаббусларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, АКТ вазири АҚШ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш, хусусан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида шерикликни юқори босқичга олиб чиқиш бўйича таклифларини ҳамда халқаро даражадаги дастурларни АҚШ билан биргаликда амалга ошириш масаласига эътибор қаратди.

Шу билан биргаликда, халқаро компаниялар хизматларини Ўзбекистонга аутсорсинг қилиш ва ёшларни ВРО ва КРО хизматлар иши билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани, мамлакат ёшларига IT соҳасини ўргатиш ва ўқитиш мақсадида ВРО марказлар ва мактаблар ташкил этилаётгани айтиб ўтилди. Ўз навбатида, ёшлар масофавий хизмат кўрсатишга жалб қилинса, мамлакат учун катта ютуқ бўлиши таъкидланди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматовнинг АҚШга ташрифи давомида Mastercard Inc. ва БМТ Бош котиби ўринбосари — "Иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича департамент" (UN DESA) раҳбарлари билан учрашувлари ҳам самарали яқунланди.

# 5 ҚАДАМ

## Хавфсизлик мутахассислари ва хакерлар ўртасидаги кўринмас урушда ким ғолиб бўлади?

### 1 Бузиш алгоритми

Асосий фактни унутманг – бузиб бўлмайдиган тизимнинг ўзи йўқ. Гап бунга қанча вақт кетишига боғлиқ, холос. Шунинг учун, сиз ҳимояни шундай ташкил этишингиз керакки, уни четга ўтиш жуда узоқ вақтни олсин, бу эса сизнинг сайтигизга ҳужум қилиш шунчаки фойдасиз эканлигини аниқлатади.

Одатдаги бузиш алгоритми қуйидаги кўринишга эга:

- бузғунчилик ҳаракатларини амалга оширмасдан кириш ҳуқуқига эга бўлишга уриниш;
- бузғунчиликнинг барча маълум усуллари кўллаш;
- кўпол куч ишлатиш;
- ўз инструментини ишлаб чиқиш;
- бошқа ёндашув ўйлаб топиш ва алгоритмни бошқатдан бошлаш.

Тушунарлироқ бўлиши учун бузғунчининг ҳар бир қадамини кўриб чиқамиз ва улар ҳар бир босқичда қандай ҳаракатларни амалга оширишини кўратамиз.

### Бузишдан мақсад

Дейлик, хакер исталган фойдаланувчининг аккаунтидан сайтга кириш ҳуқуқига эга бўлмоқчи.

#### 1-қадам – Ижтимоий муҳандислик

Энг яхши бузғунчилик – бу содир бўлмаган бузғунчилик ҳаракати. Лекин қандай қилиб хакерликсиз сайтга кириш мумкин? Албатта, фойдаланувчининг кириш маълумотларини ўзи томонидан берилишига қўндириш керак. Ушбу усул “ижтимоий муҳандислик” деб аталади ва қуйидагилар унинг турлари ҳисобланади:

Биринчи ва энг кўп тарқалган турига маъмурият номидан келадиган хабарлар қиради, яъни фойдаланилаётган сайтнинг гуёки расмий вакили томонидан қуйидаги кўринишдаги сохта хат юборилади. “Ассалому алайкум, “фойдаланувчи номи”!

Сизнинг аккаунтингизга нисбатан бузғунчилик ҳаракатларини амалга оширишга уринишлар содир бўлди. Биз ушбу уринишларни бартараф этишга улгурдик, бироқ хавфсизлик ҳолатини сақлаб қолиш мақсадида сиз ўз аккаунтингизнинг парол ва логинларини тақдим этишингиз зарур. Тушунингиз ва ҳамкорлик қилишингизга умид қилиб қоламиз.

Хурмат билан, “Сайт-номи.уз” хавфсизлик бўлими бошлиғи

Одатда бундай хабарни олган одам ваҳимага тушади. Бироқ ҳис – туйғуларни четга суриб, соғлом ақл билан фикрлайдиган бўлса, фирибгарлар найраг уюштираётганини илғаб олиш қийин эмас.

Ижтимоий муҳандисликнинг яна бир турига кўзга ташланмайдиган мулоқотлар қиради. Бу ҳолда, тўсатдан сиз билан танишишни “хоҳловчи” инсон ёзишни бошлайди. Ўртада дўстона мулоқот пайдо бўлади, ушбу мулоқот давомида кўштирноқ ичидаги дўстингиз сиздан ҳаётингизнинг ҳар бир икки-чакирлари ҳақида: аслида қаердан эканлигингиз, хоббингиз қанақалиги, қандай ҳайвонларни ёқтиришингиз ва шу каби бошқа маълумотларни олишни истади. Ушбу маълумотлар нимага керак бўлишини тушуниш қийин эмас. Албатта, улардан сизнинг профилингизга кириш ҳуқуқини берувчи код сўзини билиб олиш учун фойдаланилади.

Ушбу фирибгарлик усулининг учинчи тури фишинг деб аталади. Сизга маълум бир ҳаволага ўтиб, масалан, овоз бериш ёки биронта қизиқ материални кўриш сўралади. Сиз ҳавола орқали кирасиз ва у ерда авторизация учун шаклга дуч келасиз. Ушбу шаклни ўз шахсий маълумотларингиз билан тўлдирганингиздан сўнг ҳеч нарса содир бўлмайди ва сиз ҳайрон бўлганча сайдан чиқиб кетасиз. Бироқ хакер ўзи учун керак бўлган нарсани сиздан олиб бўлган бўлади.

Сиз қирган сайт сохта бўлиб, аслида сизнинг маълумотларингизни тўплаш учун ҳақиқий сайт дизайни билан бир хил ишлаб чиқилган фирибгарлик қуроли бўлиб хизмат қилади.



### Қандай ҳимояланиш мумкин?

Ушбу ҳолатлардан ҳимояланишнинг ягона йўли – бу фойдаланувчиларнинг хабардор бўлиб боришлари. Доимий равишда уларга қуйидагиларни эслатиб бориш зарур:

- сайт вакиллари аккаунтга кириш учун шахсий маълумотларни сўрамайди;
- бир марталик пароллар, шунингдек, кодли сўзлар ёки хавфсизлик саволларига жавоблар учинчи шахсларга ошкор этилмаслиги керак;
- реклама ва бошқа ҳаволаларга (айниқса, мақолаларга қўйрилган изоҳларда ёки юборилган хабарларда кўрсатилган) кириш ва авторизация қилиш мумкин эмас.

Агар фойдаланувчининг аккаунтига бошқа қурилмадан киришга уриниш бўлаётган бўлса, ушбу уриниш айна фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётганга ишонч ҳосил қилиш зарур, бунинг учун унга тегишли йўриқномани ўз ичига олган хат юборилиши зарур.

#### 2-қадам – Маълум заифликлардан фойдаланган ҳолда бузғунчилик қилиш

Дейлик, фойдаланувчини ўзидан унинг маълумотларини олиш имкони бўлмади. Унда кейинги стратегияга ўтилади, яъни сайтдаги заифликларни топиш. Барча сайтларда у ёки бу даражада заифликлар мавжуд бўлади. Бугунги кунда заифликларни топишнинг энг танилган усули – SQL-инъекциядан фойдаланиш ҳисобланади.

SQL қандай қўлланилади? Ҳозирда бизни унинг бир вақтда “;” белгиси билан ажратилган бир неча сўров юбориш каби хусусияти қизиқтиради.



Масалан: сайт кириш учун “login” ва “password” сатрлари мавжуд бўлган стандарт шаклга эга. У ҳолда сўров қўпинча тахминан қуйидаги кўринишга эга бўлади:

```
“SELECT * FROM users WHERE login = ‘ ‘. $login .
“ AND password = ‘ ‘. $password . ‘ ‘”
Ўз ишени устаси бўлган хакер эса паролни сўраш сатрига қуйидаги каби ҳар қандай буйруқ-инъекцияни киритиши мумкин:
qwerty’; UPDATE users SET password = ‘12345’
WHERE login = ‘user_login”
```

Натижада сўров қуйидаги кўринишга эга бўлади: “SELECT \* FROM users WHERE login = ‘ ‘. \$login . “ AND password = ‘qwerty’; UPDATE users SET password = ‘12345’ WHERE login = ‘user\_login ‘;”

Кўриб турганимиздек, энди бизда иккита сўров мавжуд: биринчиси кўрсатилган маълумотлар бўйича фойдаланувчини қидиради, иккинчиси эса унинг паролни 12345га ўзгартиради. Инъекция ўз вазифасини удалласа, хакер учун аккаунтга янги парол билан киришга имконият яратилади.

Ҳимояланиш. Фирибгарликнинг ушбу туридан ҳимояланишнинг кўпгина усуллари мавжуд. Улардан бири – “;” белгисининг қўштирноқларини ёки SQL тилининг асосий сўзларини киритишни тақиқлаш. Бироқ энг ишончли чора бу маълумотлар узатишни сўровдан ажратиб қўйиш ҳисобланади. Бу ҳолда маълумотларни бошқариш тизими (СУБД) буйруқ – инъекцияни сўров элементи сифатида эмас, балки киритилган маълумотларнинг бир қисмидек билади ва бузғунчилик етакловчи буйруқ бажарилмайди.



#### 3-қадам – Кўпол куч

Аввалги икки қадам натижа бермади, демак, хакер брутфорсга – паролни излаб топишга мурожаат қилади. Бунда у тасодифий комбинациялар ёрдамида авторизациядан ўтишга уринадиган скриптдан фойдаланади.

Биринчи навбатда, энг оммабоп вариантлар синаб кўрилади: 1111; 00000; 12345; password; qwerty; qwerty123 ва бошқалар.

Ҳимояланиш. Авторизациядан ўтиш уринишлари сонини чеклаб қўйиш зарур.

#### 4-қадам – Бузғунчиликнинг ўз усулларини ишлаб чиқиш

Юқорида келтирилган биронта ҳам усул наф берма-са, хакер сайтингизга қайси заифликлар орқали кира олишини тушуниши учун дастурлаш қодини ўрганиш билан шуғулланишга киришади. Бунда, айнақса, CMS (контентни бошқариш тизими ёки бошқача қилиб айтганда, сайтни ишлаб чиқиш учун “движок”) фойдаланувчилар хавф остида қолади, чунки бузғунчи истаган вақти ўзига “движок” ўрнатиши ва заифликларни ичкаридан ўрганишга имкон яратиши мумкин.

Ҳимояланиш. Ҳар доим “движок”ларни энг сўнгги версиялардан фойдаланишга интилиш зарур, улардаги эски бўшлиқлар йўқ қилинган ва янгила-рида ҳали топилмаган бўлади.

#### 5-қадам – Ёндашувни ўзгартириш

Нуктада хакер юкланган файлларга ҳам натижа бермаганидан сўнг, хакернинг айланма йўл билан бо-ришига тўғри келади. Баъзилар, юқорида биз айтиб ўтган алгоритм ёрдамида сайтининг хостингига етиб боришга ҳаракат қилади. Бироқ, умуман бошқача усулда ҳаракат қилиб ҳам кўриш мумкин. Масалан, сайтда аватар ўрнатиш (яъни, тасвир юклаш) им-кони бўлса, бузғунчи ушбу тасвир орқали серверга муайян скриптни – ҳеч бўлмаганда, файл менежер-ини юборишга уриниб кўради.

Натижада хакер юкланган файлларга (жумладан, маълумотлар базасига улашиш учун зарур бўлган маълумотларга ҳам) кириш ҳуқуқини қўлга киритиб олади.

Ҳимояланиш. Сайтингизда ҳар бир HTML-шакл учун иккита-учта текшириш воситаларини ўрнатинг. Шундай қилиб, бузғунчи фақат ҳақиқий график файлларини юклаши мумкин, ундан ташқари ҳеч қандай ортиқча нарсани юклаб олмайдди. Шунга қарамадан, бу ернинг ҳимоясида ҳам заифлик мав-жуд: зарар етказувчи скриптни тасвирнинг ичига жойлаштириш мумкин. Бундан ташқари, хакер FTPга улашиш йўли билан сервер скриптларини ўзгарти-ришга уриниши мумкин. Ва агарда у рhрmyadmn да авторизация учун маълумотларни қўлга киритса, унинг ихтиёрига бутун маълумотлар базаси ўтади.

Бироқ, маълумотлар чиқиб кетишидан шифрлаш билан ҳимоялана бўлади. Масалан, паролларни SHA-2 алгоритми билан хешлаш зарур, қимматли шахсий маълумотларни эса Вижнер шифри ёки жиддийроқ инструмент ёрдамида кодлаш мумкин. Асосийси, шифрни очиб қалитини яшироқ яшириш лозим.

#### Шоҳруҳ РАҲМАТ,

“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” ДУК лойиҳалар бажарилишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи

## Министр ИКТ встретился с главой ДЭСВ ООН

В настоящее время министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов, заместитель министра образования Рустам Каримджонов и директор IT-Park Фарход Ибрагимов находятся с рабочей поездкой в США.



Цель визита — расширение сотрудничества с ведущими компаниями в сфере ИКТ, дальнейшее развитие сотрудничества, а также реализация поручений главы государства по превращению Узбекистана в региональный IT-хаб.

В первый день поездки министр Шерзод Шерматов и Фарход Ибрагимов встретились с Заместителем Генерального секретаря ООН по экономическим и социальным вопросам, главой Департамента по экономическим и социальным вопросам (ДЭСВ) господином Лю Чжэньминь.

В ходе беседы Лю Чжэньминь отметил высокий уровень работы, направленной на развитие сектора ИКТ в Узбекистане, а также масштабные позитивные изменения, происходящие под руководством Шавката Мирзиёева. Он подчеркнул, что взвешенная политика, проводимая руководством страны, позволила повысить качество государственных услуг в стране, укрепить человеческий капитал в сфере ИКТ и особое внимание уделить развитию телекоммуникационной инфраструктуры.

Также отмечено, что Узбекистан занимает высокие места в ряде мировых рейтингов, и в результате дальнейшей работы страна станет крупным IT-хабом региона.

В свою очередь, Шерзод Шерматов отметил работу, проделанную Департаментом по экономическим и социальным вопросам ООН, которая позволила Узбекистану занять высокое место в Индексе развития электронного правительства, который публикуется каждые два года.

На встрече стороны также обсудили вопросы дальнейшего укрепления взаимовыгодного сотрудничества.

## Меморандум о сотрудничестве

20 июня в Нью-Йорке министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Ш. Шерматов встретился с вице-президентом MasterCard Сами Лахоуд.



В ходе встречи стороны обсудили приоритеты сотрудничества с Mastercard в сфере содействия развития экосистемы электронной коммерции, повышения потенциала малого и среднего бизнеса, а также создания потенциальной партнерской площадки, включая онлайн-платежи и другие направления.


Как было отмечено министром, Mastercard Inc. является лидером в создании глобальных платежных инноваций, в связи с чем Mastercard будет играть важную роль в развитии электронной коммерции и электронных платежных систем, повышая возможности малого и среднего бизнеса в области цифровизации.

В рамках встречи, были обсуждены вопросы сотрудничества с компанией по образовательным проектам и наращиванию потенциала для малого и среднего бизнеса, запуск Entrepreneurs Odyssey, MasterCard Academy и других онлайн-платформ на узбекском языке.

В завершение встречи был подписан меморандум о взаимопонимании между министерством по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан и Mastercard Inc.

## Бесплатные курсы корейского языка

20 июня 2022 года стартовали бесплатные курсы корейского языка от Университета ИНХА в Ташкенте для молодежи Мирзо Улугбекского района.



Для молодежи из махаллей Мирзо-Улугбекского района, прикрепленных к Университету, были организованы вводные курсы (грамматика + разговорная речь) корейского языка от центра изучения корейского языка «King Sejong Institute». (Информация об этом учебном центре: v-universitete-inxa-king-sejong-institute).

Всего на курсы было принято порядка 60 молодых людей старше 16 лет. Участники курса были обеспечены всеми учебными материалами. Длительность курсов составляет 2 месяца, периодичность занятий — 2 раза в неделю. По окончании курса активным участникам будут вручены специальные сертификаты.

Данные курсы, организованы Университетом ИНХА в Ташкенте для молодежи Мирзо-Улугбекского района с целью проведения ими своего свободного время с пользой.

### LENOVO ПРЕДСТАВИЛА НОУТБУК БЕЗ ЭКРАНА

Lenovo разработала концепцию «умного ноутбука» под названием MOZI. Недавно проект занял первое место в конкурсе Red Dot Design Award 2022. У компьютера отсутствует экран. За отображение картинки отвечает встроенный проектор. Для этого ноутбук должен стоять у стены или у другой светлой поверхности.

Также, его ещё одна особенность заключается в выдвижной клавиатуре. Ее можно спрятать при транспортировке или при просмотре фильмов. Клавиатура не получила цифровой блок с правой стороны. Также, судя по изображениям, на верхней панели устройства есть сканер отпечатков пальцев и аудиосистема с технологией Dolby Atmos.

Однако ещё нет информации о том, какими функциями будет обладать устройство, дата выхода и его стоимость.

### ADOBE ПЛАНИРУЕТ СДЕЛАТЬ PHOTOSHOP БЕСПЛАТНЫМ

Adobe планирует сделать веб-приложение Photoshop частично бесплатным. Все пользователи смогут получить доступ к основным функциям редактора, а по подписке можно будет открыть специальные возможности.

Компания сообщает, что пользователи могут получить все основные функции редактора прямо из браузера и без дополнительной платы. По подписке юзеры могут открыть дополнительные возможности редактора.

### СТОИМОСТЬ ПОДПИСКИ TELEGRAM PREMIUM В APP STORE СОСТАВИТ БОЛЕЕ 7\$

Подписка Telegram Premium в App Store будет стоить более 7\$ в месяц, следует из описания встроенных покупок приложения в магазине Apple. Сама функция подключения подписки пока недоступна.

Основатель мессенджера Павел Дуров анонсировал платную премиум-подписку 10 июня, ее представят до конца месяца. По его словам, все существующие функции останутся бесплатными. По информации СМИ, стоимость для Android может составить \$4,99. В подписку могут войти удвоенные лимиты для ряда функций, загрузку файлов до 4 ГБ, анимированные аватары, премиальные стикеры, отключение рекламы и другие возможности.

### ПРЕДСТАВЛЕНА ЭЛЕКТРОННАЯ КНИГА С ВЛАГОЗАЩИТОЙ И ФУНКЦИЕЙ ЧТЕНИЯ ВСЛУХ

Представлена электронная книга с влагозащитой и функцией чтения вслух — производителем утверждается, что 7 дюймов — оптимальный размер, чтобы устройство было удобно использовать дома и брать с собой.

Соответственно, читалку адаптировали под работу в разных условиях: экран поддерживает автоматическую настройку яркости и температуры под окружение, а корпус защищен от влаги по стандарту IPX8.

Читалка поддерживает 29 форматов (19 текстовых, 4 графических и 6 для аудиокниг) и поддерживает функцию чтения вслух на 26 языках.



## ТИКТОКНИНГ МАҚСАДИ НИМА?



Дунёдаги энг йирик ижтимоий тармоқлар — Facebook (Meta) ва TikTok кўп қисланган. Facebook жуда тез бўй чўзаётган рақобатчидан нималарнидир ўрганишга уринаётгани сир эмас, TikTok эса...

TikTok топ-менежери икки компания фарқини CNBC билан суҳбатда тушунтирди: “Facebook — ижтимоий тармоқ. Улар ҳамма алгоритмларини ижтимоий негизга қуришган. Уларнинг салоҳияти шунда. Бизда бошқача — кўнгилочар платформа... Фарқ катта”.


Компания вакили TikTok кўнгилочар илова сифатида айна пайтда тенгсиз эканини айтиб, унинг фойдаланувчилари ўзига хос маданий тажрибага эга бўлаётганини кўшимча қилди.

“Facebook ҳар ҳолда бизнинг изимиздан келмаса керак, акс ҳолда ўзининг асл моҳияти — ижтимоий функциясини йўқотиб қўяди. Бунга тайёрга ҳам ўхшамайди”, — деди у.

## REALME ЭНГ АРЗОН СМАРТФОНЛАРИДАН БИРИНИ ТАҚДИМ ЭТДИ

Realme энг арзон смартфонларидан бири — Realme С30ни тақдим этди. Бу ҳақда GSMArena хабар берди.

Смартфон 5000 мАс сиғимли аккумулятордан куч олади, экрани — 6,5 дюйм. Realme С30



смартфонига 12 нм техножараёндан ўтган Unisoc T612 процессори ўрнатилган.

Смартфон дисплейи — HD+ имкониятига эга суюқ-кристалл. Унинг юқори қисмида 5 МП селфи камера жойлашган. Орт қисмида 8 МП ягона камера бор. Унинг ёнидан светодиоди қачин жой олган.


Хотираси — 2/3 ГБ оператив, 32 ГБ ички. Хотирани microSD ҳисобига 1 ТБгача етказиш мумкин. Смартфон Android мобил тизимининг энгиллаштирилган талқинида ишлайди.

Realme С30 нархи 100 доллардан бошланади.


## NASA КОСМИК ЧИҚИНДИЛАР УЧУН ЎЗИНИ АЙБДОР САНАЯПТИ

Коинотни тадқиқ этувчи гуруҳ “Нимадир топдим” дея умид ила кўз тиккан нарсаси чиқинди экан. Сайёранинг тобора чиқиндилар билан тўлиб бориши Шимолий Американинг коинот ассоциациясини қаттиқ ташвишга солди ва бунда ўзини айблади.

Зеро, космик чиқинди астронавтларга катта хавф туғдиришмоқда. У ҳозирда кўплаб олимларнинг диққат марказида турибди. Аммо ҳозирча коинотдаги чиқиндиларни йўқ қилиш ёки қайта ишлаш бўйича ҳеч қандай режа мавжуд эмас.



Айтганча, космик чиқинди фақат ўз худуди эмас, балки Куёш тизимидаги барча сайёрлар, жумладан Ер учун ҳам хатарлидир.



## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЮРАК КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАШХИС ҚЎЯДИ

Хитой олимлари юрак касалликларини ташхислайдиган сунъий интеллект алгоритминини ишлаб чиқдилар. Масалан, у орқали атеросклерозни аниқлаш мумкин.

Янги технология тўғри ташхис қўйишни таъминлаб, вақтида даволашни бошлашга имкон беради. Иш механизми 2 босқичдан иборат. Биринчи босқичда махсус тасвирдан фойдаланилади. Сўнг тахмин қилинган муаммо қўшимча алгоритм ёрдамида аниқлаштирилади.

Компютер беморларнинг 80 фоизига нисбатан тўғри ҳукм чиқара олади. Келажақда 3D ёрдамида сунъий интеллект тизимини янада такомиллаштиришмоқчилар.

## Халқаро ҳаёт

### УКРАИНАНИ ТИКЛАШГА ҚАНЧА ПУЛ КЕРАК?



Россия босқинидан сўнг вайрон қилинган Украинани тиклашга 1 триллион еврогача (1,1 трлн. доллар) маблағ керак бўлади. Бу ҳақда Европа инвестиция банки раҳбари Вернер Хойерга асослаб Bloomberg хабар берди.

“Нега триллион дедим? Чунки Украинадаги вайронлик даражасини кўрарканман, ижтимоий тармоқларда тарқалган рақамларни ҳақиқатдан узоқ деб ҳисоблайман”, — деди Хойер Франкфуртдаги брифингда.

Нашрга кўра, ЕИ етакчилари 23-24 июн кунлари Брюсселда йиғилиб, Украинани тиклаш ҳамда унинг блокка аъзолик масаласини муҳокама қиладиган тадбирда ҳам ушбу рақамлар тилга олинади. Июл ойида Швейцариянинг Лугано шаҳрида ўтадиган Украина бўйича конференцияда Киев мамлакатни тиклаш режасини тақдим этиши кутиляпти.

### НОБЕЛ МЕДАЛИ 103,5 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА СОТИЛДИ

2021 йилда Тинчлик учун Нобел мукофотини олган Россиянинг “Новая газета” бош муҳаррири Дмитрий Муратовнинг медали

аукционда 103,5 миллион долларга сотилди. Бу ҳақда АҚШнинг Heritage Auctions савдо уйи хабар берди.

Медал учун биринчи таклиф 700 000 доллар эди, бироқ бир неча дақиқадан сўнг бу сумма 16,6 миллион долларга кўтарилди. Кейин аноним харидор медал учун 103,5 миллион доллар таклиф қилди ва бирорта ҳам иштирокчи бу таклифдан устун нархни айта олмаган.

Муратов ушбу пуллари хайрия мақсадларига сарфланишини маълум қилган, жумладан, украиналик қочоқ болаларга ҳам ёрдам берилиши кўзда тутилган.

### ДУНЁ ЯНГИ ПАНДЕМИЯГА ТАЙЁР ЭМАС – ЖССТ РАҲБАРИ

Тедрос Аданом Гебрейесус COVID-19га қарши курашиш бўйича тавсияларни тўлиқ бажариш муҳимлигига эътибор қаратди.



“Биз коронавирус пандемиясидан олган сабоқларимизга жиддий ёндашимиз ва дунёни пандемияларга тайёрлаш бўйича тавсияларни бажараётганимизга ишонч ҳосил қилишимиз керак. Биз пандемиянинг ўртасида турибмиз. Дунё тайёр эмас. Агар яна бир

вирус зарба берадиган бўлса, янги пандемия бошланади, биз эса бунга тайёр туролмаймиз”, — деди у.

Гебрейесус шунингдек, COVID-19га қарши курашиш бўйича тавсияларни тўлиқ бажариш муҳимлигига эътибор қаратди.

### РОССИЯ МАЙ ОЙИДА ХИТОЙГА РЕКОРД МИҚДОРДА НЕФТ СОТДИ



Россия 19 ойлик танаффусдан сўнг Саудия Арабистонини Хитойга нефт етказиб бериш бўйича биринчи ўриндан тушириб юборди.

Россия май ойида Хитойга рекорд миқдорда нефт сотди ва бу мамлакатга нефт етказиб берувчи энг йирик экспортёрга айланди. Ўтган ойда Хитой Россиядан қарий 8,42 млн. тонна хом нефт сотиб олган. Бу эса, Россия май ойида Хитойга кунига 2 млн. баррелга яқин нефт сотиб олганини англатади. Натигада Россия 19 ойлик танаффусдан сўнг Саудия Арабистонини Хитойга нефт етказиб бериш бўйича биринчи ўриндан тушириб юборди.

Қайд этилишича, Хитой компаниялари нефтни 30 фоизгача чегирма билан сотиб олмақда. Саудия Арабистони май ойида Хитойга 7,82 млн. тонна нефт етказиб берган.

# ТАЛАБАЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР

Маълумки, Президентимиз томонидан 2021 йил 1 майдан бошлаб ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари) га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг 60 фоизига улар томонидан тўланадиган ойлик ижара тўловини 50 фоизи Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши назарда тутилган қарор қабул қилинган эди.

Қарорга кўра, ижара тўловининг қоплаб бериладиган қисми Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, қолган ҳудудларда базавий ҳисоблаш миқдорининг ярим бараваридан ошмаслиги белгиланган ва бунда ижара (шартномаси) тўловининг қоплаб бериладиган қисми биринчи навбатда эҳтиёжманд оила фарзандларига, ўрнак кўрсатган ва фаол талабалар учун берилиши ва олий таълим муассасалари томонидан уларни бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижара тўловининг бир қисми қоплаб берилиши мумкинлиги белгиланган.

Давлат олий таълим муассасаларининг фақат кундузи таълим шаклида, давлат гранти ёки тўлов шартнома асосида тахсил оладиган ва ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган барча талабаларга ойлик ижара тўловининг бир қисмини белгиланган мезонлар асосида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши кўрсатиб ўтилган.

Ана шу қарорнинг маз-



мун-моҳиятини талабаларга етказиш мақсадида Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида Талабаларни тураржой билан таъминлашни мувофиқлаштириш бўлими ташкил этилди. Бўлим томонидан ижара уйларида шартномасиз турган талабаларга ушбу қарорнинг мезонлари, шунингдек, ижарага берувчиларга ҳам талабани ижарага қўйгани учун даромад солиғидан озод қилиниши бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишдаги фармон ва қарорларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши

ТАТУ Урганч филиалининг раҳбар ва ўринбосарлари томонидан қаттиқ назорат ва кузатувга олинган.

Филиалда ижарада яшайётган талабалар бугунги кунда 185тани ташкил этмоқда. Бўлим томонидан шу кунгача 37 талаба ижара уйларида жойлаштирилди. Олдимиздаги режамиз филиалимиз талабаларини тўлиқ ижара шартномаси бўйича жойлаштириш.

**З.АБДУКАРИМОВ,**  
ТАТУ Урганч филиали Талабаларни тураржой билан таъминлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи

# КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ ТЕХНИКУМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4851-сонли қарориди таъкидланганидек, ахборот технологиялари соҳасидаги кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини муваффақиятли амалга ошириш, рақамли технологияларни ривожлантириш ва аҳолининг кундалик ҳаётига кенг жорий этишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Самарқанд ахборот технологиялари техникуми юқоридаги қарор ижросини таъминлаш, қолаверса, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига етук талабалар тайёрлаб бериш мақсадида ташкил этилган. Бугунги кунда техникумда компьютер инжиниринги, дастурий инжиниринги, ахборот хавфсизлиги, рақамли ахборотни қайта ишлаш аналитиги каби тўртта йўналишда 322 нафар талаба тахсил олмоқда.

Техникумда 9та компьютер синф хоналари мавжуд бўлиб, иккита синф Швецария лойиҳаси асосида, учтаси Германия лойиҳаси ва тўрттаси маҳаллий бюджет асосида жиҳозланган.

Техникумнинг ахборот-ресурс маркази 49 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлиб, асосан дарсликлар ва бадиий адабиётлардан иборат.

– Келгусидаги режаларимиз катта, – дейди биз билан суҳбатда техникумимиз директори Эркин Худойкулов. – Келаётган 2022/2023 ўқув йилида Телекоммуникация технологиялари ҳамда Почта алоқаси йўналишлари бўйича 90

нафардан талаба қабул қилиб, талабаларимиз сонини янада оширамиз. Кейинги йилларда ҳам соҳа касб турлари бўйича бир неча йўналишлар очиш ниятида-миз. Соҳа корхоналарида ҳамда олий ўқув юртларидан ўриндошлик асосида етук, малакали мутахассисларни таклиф қилиб, техникум илмий салоҳиятини ҳам юқори даражага кўтарамиз. Айни дамда АКТ вазирлиги Самарқанд вилояти худудий бошқармаси саъй-ҳаракати ва ташаббуси билан техникум тасарруфиди ИТ-Парк – истиқболли стартап лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилмоқда.

Аҳамиятлиси, техникум битирувчилари Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалига 2-босқичдан қабул қилинади. Жорий 2021/2022 ўқув йили якунида техникумнинг 102 нафар битирувчиси мустақил ҳаётга қадам қўяди.

Ахборот технологияси соҳасида энди-гина тетапоё бўлаётган техникумнинг эртаси жуда порлоқ, деб айта оламиз.

**Шахло РАСУЛОВА,**  
техникум битирувчиси

## Қашқадарё хабарлари



## ПОЧТАЧИЛАР ПРЕЗИДЕНТ МАКТАБИДА

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали масъуллари ва Қарши шаҳридаги Президент мактаби ўқувчилари ўртасида очиқ мулоқот тарзида учрашув ташкил этилди. Унда эллик нафарга яқин ўқувчиларга почта алоқаси соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, соҳани ривожлантиришнинг долзарблиги, аҳамияти ҳамда ҳуқуқимиз ва соҳа вазирлиги томонидан истеъдодли ёшларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берилди.

Филиал директори Ойбек Қодиров ўқувчиларга вилоят почтасининг ривожланиш тарихи, босиб ўтган йўли, соҳада қўлланилаётган янги хизмат турлари, хизмат кўрсатишда жорий этилаётган янги технологиялар, қабул қилинган ва қилинаётган ҳужжатлар, истиқболли режалар ҳақида сўзлаб берди.

Тадбир давомида иштирокчилар Президент мактаби фаолияти ва яратилган шароитлар билан танишди.

Шунингдек, ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутасаддиларидан тегишли жавоблар олишди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
“Xabar”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири

## ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Маънавий дам олиш инсоннинг руҳий дунёсини бойитадиган омиллардан бири ҳисобланади.

Мулатўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театри томоша зали ҳар куни санъат ихлосмандлари билан гавжум, боиси бу даргоҳда саҳналаштирилган ҳар бир асар чинакам ҳаёт мактабини акс эттирувчи кўзгу. Театрнинг бу галги меҳмонлари “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали ходимлари бўлишди.



“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали касаба уюшмаси қўмитаси томонидан театрга уюштирилаётган бу каби оммавий ташрифларнинг асл мақсади ҳам ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш баробарида уларнинг маънавий оламини юксалтиришга қаратилган. Театрга ташриф буюрган соҳа вакиллари даставвал вилоят мусикали драма театрининг яқин тарихи билан танишдилар. Музейдаги экспонатлар ҳар доим ҳам вақт топиб келолмайдиган ходимлар учун янгилик эди.

Тадбир давомида театр хушовоз хонандаларининг концерт дастури ва турмуш ташвишлари, оила муаммоларини ҳал қилиш каби ҳолатларни ўзиди акс эттирган “Хазина” номли саҳна асари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Шукрулло ЖАЛИЛОВ,**  
“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали касаба уюшмаси қўмитаси раиси

### Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги жамоаси вазирликнинг Қорақалпоғистон Республикаси худудий бошқармаси бошлиғи Тимур Баекеевга падари бузрукворий Реймбай ота БАЕКЕЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Тақдимот

# ҚАШҚАДАРЁ АЛОҚА СОҲАСИ СОЛНОМАСИ

Муллатўйчи Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусикали драма театрида шахрисабзлик ижодкор, “ВЕСТИ плюс ВОҚИФ” газетаси тахририяти директори Афтондил Исмоиловнинг Мустақиллиги-мизнинг 30 йиллигига бағишланган “Қашқадарё алоқа соҳаси солномаси” китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Маросимда АКТ вазирлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш бўлими бошлиғи Ортиқ Узоқов, “Ўзкомназорат” инспекциясининг Қашқадарё вилоят ҳудудий инспекцияси бошлиғи Зафаржон Нормуродов, “Ўзбекистон почтаси” АЖ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шукрулло Жалилов ва бошқалар сўзга чиқиб, “Қашқадарё алоқа соҳаси солномаси” китобида вилоятда алоқа соҳасининг ривожланиш тарихи, иқтиқболли режалар, соҳа фидойилари, ёшлар, ишлаб чиқариш илорлари, вазирлик тизимидаги корхоналар фаолияти ҳақида тўлақонли маълумотлар мужассамлигини таъкидлашиб, муаллифга келгуси ишларида муваффақиятлар тиланди.



Тадбир доирасида А.Исмоиловга Қирғизистон Республикаси “ҚИРҒИН АҚУН-ЖАЗУУЛАРИ” жамоат фондининг аъзолик гувоҳномаси, Қозоғистон Республикаси “Чинор япроқлари” ёш истеъодлар иттифоқи томонидан “ЎЗДЕК ҚАЛАМТЕР” кўкрак нишони ва гувоҳномаси топширилди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиали матбуот хизмати

Эълон!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 10 декабрдаги 188-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2022 йил 21 июнда “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК томонидан 50 000, 0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Мазкур маблағ “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2022 йил учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.



Тадбирда дастлаб сўзга чиққан Фарғона вилоят ИИБ жиноят қидирув бошқармаси тезкор вакили подполковник Хушнудбек Қозихонов “Гиёҳвандлик – ҳаётни барбод қилади” мавзусига батафсил тўхталди. Бу борада гиёҳвандликка қарши кураш оғлигида вилоятда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган фаолият билан таништирди. Шахс билан жамият ўртасидаги муносабат бузилиши натижасида келиб чиқаётган ижтимоий муаммоларга, жиноят ва жазо масалалари, 30 ёшгача бўлганлар бу дарада чалинаётгани боис қандай оқибатлар юзага келиши, ота-оналар зиммасидаги вазифаларни бир-бир санаб берди. Фарзанду аржумандларимиз қан-

етиши, онгу фикрлашдан жудо қилиши, Фарғона, Қўқон шаҳарларида наркология диспансерлари, Марғилон шаҳрида эса бўлинма фаолият юриштишини айтиб, исм-шарифини яширмай ёки аксинча аноним даволанишлари мумкинлигини эслатиб ўтди.

Гиёҳвандлик натижаси ўлароқ касалликларнинг сон-саноғи йўқ, албатта. Энг даҳшатлиси бу – ОИТС, яъни ортирилган иммунитет танқислигидир.

Вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази врачлари Улугбек Расулов ана шуларга ва касалликнинг юқиш йўллари, қандай ҳолларда юқиши, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари ўртасида ОИВ инфекцияси профилактикасига атрофлича тўхталди. Кўпчилик назар-писанд



“Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Ўзбектелеком” АК ҳамкорлигида Фарғонада 26 июн – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

дай қилиб бу вабога йўлқитирилаётгани бўйича қатор ташвишли мисолларни келтирди. Жумладан, вилоятимизга илгари героин мариуҳана, гашиш каби гиёҳванд моддалар кириб келган бўлса, эндиликда улар қаторига сунъий таблеткалар қўшилди. Энг ачинарлиси, мактаб ўқувчилари ҳам ана шу сунъий таблеткаларга тобе бўлиб қолмоқда. Улар орасида токсикаманияга чалинганлар ҳам учраб турибди. Ота-оналар диққат қилсалар болаларидаги бу райриодатий ўзгаришларни илғашлари мумкин. Подполковник иштирокчиларни болалари руҳиятини, юриш-туриши бир кун бўлса ҳам кўздан қочирмасликка, қаерда, ким билан юрганини қатъий назоратга олишга даъват қилди.

Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий маркази Фарғона филиали врач-наркологи Абдужаббор Аҳоров ўз очиқ мулоқотида жаҳон халқлари, миллатлар келажагига таҳдид солаётган иллатлардан бири бўлмиш гиёҳвандлик вабосининг инсон саломатлигига ҳалокатли таъсири, ҳамма аъзоларига зарар

қилмайдиган татуаж, косметика ва хатна муолажаларида ишлатиладиган, зарарсизлантирилмаган ўткир кесувчи ускуналардан ҳам юқиши хавфи борлигини айтди.

Оилада ота-онасидан етарли даражада меҳр кўрмаган ёхуд талтайтириб юборилган бадавлат хонадонларнинг фарзандлари кўпинча мана шу қармоққа тушмоқдалар. Кун-тун ишловчи, таълим-тарбияни мактаб зиммасига ташлаб қўйган, ўқияптику, дея хотиржамликда юрган ота-оналар ҳам фарзандларини бой бериб қўйишмоқда. Бундай болалар доза учун пул излаб жиноят кўчасига кириб кетишяпти ва қарабсизки, бола умри хазон бўлмоқда. Ҳар қанча гапирмайлик, бонг урмайлик, тан олиш керак, фожианинг илдизи барибир оила муҳитига бориб тақалмоқда.

Тадбирда барчага вилоят ОИТСга қарши курашиш марказининг буклетлари тарқатилди.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,  
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

|   |  |   |                              |  |                                  |  |                          |   |                               |                             |                                 |                                  |                               |
|---|--|---|------------------------------|--|----------------------------------|--|--------------------------|---|-------------------------------|-----------------------------|---------------------------------|----------------------------------|-------------------------------|
| <p><b>Xabar</b></p> <p>MUASSIS:</p> <p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI</p> <p>Bosh muharrir:<br/>Abdug'ani ABDURAHMONOV</p> |  | <p>Tahrir Hay'ati:<br/>Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV, Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV, Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Usmonjon YO'LDOSHEV (Mas'ul kotib).</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan olinganligi ko'rsatilishi shart</p> <p>Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallaridan ham foydalanildi. Bahosi kelishilgan narxda.</p> |                              | <p>MANZILIMIZ:</p> <p>100000 Toshkent shahri, Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy (Mo'ljal Oloy bozori).</p> <p>Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31. Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Obuna indeksi — 228.</p> <p>Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. Dizayner: Asliddin BO'RIVEV. Navbatchi: Usmonjon YO'LDOSHEV.</p> |                                  |  |                          |   |                               |                             |                                 |                                  |                               |
| <p>Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligi tomonidan 0016 raqami bilan 2013-yil 23-iyulda ro'yxatga olingan.</p>  |  | <p>Gazeta haftaning juma kuni chiqadi</p>   |                              | <p>Gazeta "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Manzil: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.</p>  |                                  | <p>G-659 sonli buyurtma. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-3, hajmi 2 bosma taboq. Adadi: 3163</p> |                          | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Bosishga topshirildi — 17 °°<br/>Bosishga topshirish vaqti — 24 °°</p> |                               |                             |                                 |                                  |                               |
| <p>Viloyat muxbirlari:</p>  |  | <p>Andijonda (74) 226-47-80</p>   | <p>Buxoroda (99)854-7305</p> | <p>Jizzaxda (94) 199-95-64</p>   | <p>Namanganda (91) 353-71-25</p> | <p>Navoiyda (79) 225-91-10</p>   | <p>Nukusda 554-35-45</p> | <p>Samarqandda (91)557-84-44</p>  | <p>Termizda (99)508-30-52</p> | <p>Toshkentda 234-18-59</p> | <p>Urganchda (97) 211-65-05</p> | <p>Farg'onada (73) 244-18-05</p> | <p>Qarshida (93)931-08-99</p> |